

## СОЦИАЛ НАЗОРАТ ВА ДЕВИАНТ ХУЛК-АТВОР

Тожибаев Б. \*

## РЕЗЮМЕ

*Мазкур мақсада социал назорат омиллари, бу соҳадаги ислох,отларнинг сцамишти, девиянт хулк-атвор тушунчаси, ижтимоийташув жараёнида социал назорат, девиянтликнинг социал назорати хусусиятлари тугрисида фикр юритилган.*

*Калит сузлар: социалназорат, ижтимоийташув, социал назорат омиллари, девиянт,хулр-цтвор, социал назорат механизлари,интериоризация, социал назорат институтлари, санкция, деликвент, суицид.*

Хар қандай жамият уз аъзолари томонидан социал меъёрларга риоя қилинишинн назорат қилиб боради. Жамият тарихида унинг қандай тизимга асосланганлигидан қдтгий назар ижтимоий назорат расмий ва норасмий қуринишларда амалга оширилади ва бундан кейинги тараккиётда ҳам худди шу қуринишда давом этади. Девиация ва социал назорат муносабати ҳеч қанон бир хил услубда ва ва қуринишларда узокрок вақт қолиб қетмаган. Жамият тараккий этгани сари девиациянинг социал назорати услуб ва воситалари ҳам самара бериш шарт-шароитларидан қелиб қитан қолда узгариб турган. Бу узгаришлар жамиятга таъсир қоэффицентларига қура, давлат ёки фуқаролик институтлари томонидан амалга ошириб қелинган. Агарқи ушбу таъсир фаолиятида давлат ва фуқаролик институтлари қаракатларида алоҳида- қилиқ қузга ташланса, самараси юқори бўлмайди, қачонқи хар икки социал назорат институтларининг фаолиятида уйғунлик ва конструктивлик мавжуд бўлсагина, ижобий натижаларга эришиш мумкин. Бу қорада қуртимизда қонцептуал вазифалар ишлаб қикилган ва амалга оширилмоқда.Иқтисодий ва сиёсий соҳадаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади қуртимизда яшаётган фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташқил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жихатдан муқаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юқсалтириш, миллий уйғониш қоясини руётба қикарақиган янги авлоқни вояга етқизиш давлатимизнинг энг муқим вазифаларидан бири бўлиб қолади[1]. Хар бир жамият мавжуд тартиботларга риоя қилмаётган аъзоларини турли воситалар ёрдамида қиловлашга қаракат қилади, социал назоратсиз бундай қараёнларни бақариш иложсиз қолдир[2], Социал назорат - социал назорат институтлари ва социал қуруқдар орқали амалга ошақиган қараён сифатида талқин қилишимиз мумкин. Ушбу мавзу бўйича изланишлар олиб қорган П.Бергер фикрича, социал назорат - жамиятда қабул қилинган социал меъёрларни ва социал қуруқдардаги тартиб- қондаларни бўзилишига нисбатан санкцияларнинг қулланилишини амалиётда намоён бўлишидир[3].

Социал назорат ички ва ташқи омилларга асосланган қолда амалга оширилади. Биринқиси, ички омил бу - инсоннинг уз-узига назорати. Ушбу қолатда қузга ташланақиган энг асосий жихат бу узини англаш, умумжамият -қабул қилган меъёрлар асосида қаракат қилиш, уз хатти-қаракатларига қолисона бақо бериш ва узига вақтя-вақти билан

танқидий қарат (леқин уз-узини танқидни мунтазамлиги суицидга ва унга яқин хатти-қаракатларга олиб қелиши мумкин!), яъни ижтимоий бўйруқ натиқасида хулк-атвор назорати. Иқкинқиси, ташқи омил, асоси расмий ва норасмий қуринишда бўлиши мумкин. Социал назорат ташқи омилларининг расмий қуринишларига суд, армия, таълим ва ташқилотлар қиради. Унинг норасмий қуринишларига оила, қариндошлар, тенгдршлар қуруқи, мақалла ва меқнат жамоаларидаги ижтимоий қуруқларни қиритиш мумкин. Социал назоратнинг ташқи омиллари сйрасига қирувқи вазифаларни социал назорат институтлари бақаради.

Шахе уз олдига қУйилган талабақарни англаган қолда, узига социал назорат талабалари билан бириқиб қетувқи ва шақенинг туларок ижтимоий- лашувини таъминловқи қуниқмаларни вуқудга қелтиради. Социал назорат ҳамиша ҳам етарли даражада. самарали бўлмайди, алоқида индивидлар қупчилик томонидан қабул қилинган социал меъёрларга салбий муносабатда бўлишади[6]. Ушбу қолатларнинг натиқасида девиянтликни шакл- ланишига қулай омиллар пайдо бўлади. Девиантлик ҳамиша ҳам асоссиз равишда руй бермайди. Ушбу мавзу юзасидан изланиш олиб: қорган олима Р.Убайдуллаева девиянт худк-атворни ижобий ва салбий қуринишларини қайади, нормадан четга қикиш ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Салбий девиянт хулк-атвор, уз навбатида, ақдоққа зид (инсон ақлоқ нормаларига зид қилмишни соқир этади), зиддиятли ёки деликвент (қилмиш жиноят ҳуқуқидан ташқари ҳуқуқ нормаларига зид бўлади) ва жиноий хулк-атворга (ёш инсон жиноят қонунчилиги нормаларидан четга чқади) бўлиши мумкин[5]. Социал назорат девиянтликнинг салбий қуринишларига нисбатан қулланилганлиги учун биз, асосан, унинг салбий қуринишларини тақлил қиламиз. Девиантликнинг қелиб: қикиш сабабалари сифатида жамият талабалари билан шахе,' истак- ларининг тугри қелмаслиги, социал ролларни яқши узлаштирмаслик ва нотекис тақсимланиши, паст турмуш дарақасини қурсатиш мумкин. Девиантлик социал назорат самарадорлигини пасайтириб юборади ва қерак бўлса, йуққа қикаради.

Социал меъёрларга риоя қилмаслик хатти-қаракатларини, қупинча, ноқомқорм хулк-атвор эгалари томонидан амалга оширилмоқда. .

Умуман олганда, жамиятнинг қупгина аъзолари томонидан социал меъёрларга риоя қилинади ва шу билан бирқалиқда баъзан жузый қекинишларга йул

\* Тожибаев Б. - Наманган муқандислик-технология институти қатта уқитувқиси.

Куйилади. Ушбу ҳолат шахснинг статусей ва унинг кай даражада ижтимоийлашуви натижасидир. Ижтимоийлашув жамиятда урнатилган социал меъёр ва кўникмаларни узлаштириш жараёнидир, унинг асосий максади эса инсон ана шу кадриятларни узлаштириши, мослашиш имкониятларини беришдир, мана жараёнда шахе жуда куп бор социал назорат талабларига килиш ёки девиантлик томен харакат килиш жараёнларидан бирини “танлаш” имкониятларига дуч келади, Ушбу “танлаш” имкониятлари инсонларда канчалик куп руй берса ва кайси бири манфаатли ёки камрок зарар келтириши уша йулни танлаш имконини берувчи омил хисобланади. Миллий кадриятлар мустахам карор топган оилаларда ёки маконларда улгаётган болаларда ижтимоийлашув жараёнида турли кемтик-ликлар кузатилмаслиги ва аксинча нокомформ кадриятлар учраб турадиган оилалардаги (маконлардаги) болаларда девиация ҳолатлари куплаб кузатилади. Девиант ҳолатлар куламини камайиши ёки аксинча купайишига социал назорат ижтимоийлашувдан кам ахамиятга касб этмайди. Социал назорат жамият аъзолари томонидан социал меъёрларга рия килинишини тартибга солади ва шу оркали жамиятни бирлаштирувчанлик вазифасини хам бажаради. Агар социал назорат субъект сифатида якка шахе булса у индивидуал характерга эга булади, ушбу ҳолат жамоа, оила, тенгдошлар гуруҳи, таълим муассасаси, махалла томонидан амалга оширилса, ижтимоий характерга эга булади хамда у социал назорат дейилади. Инсон Хаётидаги энг биринчи, энг мухим ижтимоийлашув агента ва социал назорат институти бу - оила.

Социал назорат социал меъёрлар ва санкциялар воситасида уз вазифасини бажаради. Унинг ишлаш механизми, асосан, ихоталаш, ажратиб куйиш ва соғломлаштиришдан иборатдир. Социал назоратни инсонларга, шу жумладан, девиант хулк-атворли инсонларга таъсир курсатиш воситалари куйидагича булиши мумкин; курсатма бериш, ишонтириш, хукм килиш, эътироф этиш ва такиклаш.

Девиантликнинг социал назоратини куйидаги хусусиятлари ажратиб курсатиш мавжуд:

1. Социал назоратнинг восита ва методлари муаммо табиатига хос хусусият касб этиши керак. Социал назоратнинг воситалари жамият аъзолари асосий кисмининг талаб ва истакларини кондириши керак, у озчилик катлам вакиллари учун хизмат килмаслиги даркор. Социал назоратнинг самарадорлиги, нафакат, девиантликнинг жамият учун жиддий хавф-хатарлилик даражасини ортишдан (масалан, каеддан амалга ошириладиган жиноятларнинг купайиши) огохлантириш, балки уни ижтимоий маъкуд формалар билан алмаштириш имкониятини беради.

2. Жиддий жазоларга тортиш, масалан, озодликдан махрум килиш инсон шахсий таназзулини келтириб чикаради. Шунинг учун бундай жазо сунгги чора сифатида кўлланилади,

3. Социал назорат - мослашувчан, кенг тармокли ва давлат, жамият томонидан куллаб-куватландиган тизимдир. Уз-узига ижтимоий-психологик ёрдамни кўллашни шакллантирувчилик харакати хам яхши Самара беради.

4. Девиандя - жамиятни келакжадаги ижтимоий мулжалини аниклашга ёрдам беради, бу эса социал назоратни кай томонга йуналтира олиш имконини хам беради, лекин самарали, тезкор фаолият ва воситаларгина девиантликка карши тура олиши мумкин.

5. Келажакка умид билан караш кайфиятини шакллантирувчи ижтимоий харакатларни рағбатлантириш.

6. Ахлоксизликка мойил оид хулк-атвор нормативларига эга инсонларни, асосан, ёшларни камраб олиш объектига кура, масалан, оилада ота-она, таълим муассасасида педагоглар порнографияга оид фаолият куламини чеклаш ва соғломлаштириш. Бу борада жинсий тарбия масаласи жуда мухимдир.

7. Глобаллашув жараёнида зарарли ахборотлар окимидан субъектлар (ота-оналар, таълим муасса-салари) объектам (фарзанд, укувчи) химоя килиш. Зероки хозирги кунда ахборот олиш имкониятларининг кенгайиши ва тизимли йуналтирилган ахборот окимининг ташкаридан кириб келиши долзарб масалага айланиб улгурди. Зеро, бу борада Президентимиз: “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан хам катта кучга эга”, - деган фикрни алохида таъкидлаган эдилар[4].

8. Масалага дахлдор томонларнинг иш фаолиятини умумлаштириш ва бу соҳадаги кадрларга булган талабни таъминлаш.

Фарб мамлакатларида девиантологиянинг бизга нисбатан яхши ривожланганлигининг асосий сабабларидан бири миллий анъаналарни таъсиринк нисбатан суслиги хамда индивидуалликка асосий ургу берилиши окибатда девиант хулк-атворли инсонлар тоифасининг кенгайиб кетиши натижасидир. Жамият 5?з тизимининг хусусиятлари, иш олиб бориш соҳаларига кура, социал назоратнинг демократик ёкн директив усулларини танлаши мумкин. Очик тизимга асосланган жамиятларда социал назоратнинг девиантликнинг асосан субмаданиятнинг янги куринишларига мойиллигидан келиб чикадиган шакллари, суицид, оммавий тартибсизликларда иштирок этиш кабк жихатларидан тапшари яна бошка жихатлари хам кузга ташланади. Ёпик тизимга асосланган жамиятларда девиантликнинг тиланчилик, уйдан кочиб кетиш, майда жиноятлар, невроз таъсиридаги девиант харакатлари купрок учрайди. Булар ичида очик в; ёпик тизимга асосланган, жамиятларга бирдех мансублиги билан суицид, яъни уз жонига касд килиш алохида ажралиб туради. Айрим фар юз и жихатларга хам эга, масалан, ёпик тизимга асосланган жамиятларда суициднинг асосий сабабларидан бирн сифатида невроз таъсиридаги харакатларни келтиршв мумкин.

Девиантликда социал назоратнинг энг муам-моли жараёнларидан бири бу - ёшлар уртасида назоратсизликнинг олдини олишга каратилган. Бу борада асосий ёътиборни ёшларимизга каратишимиз бежиз эмас, уларни нималар билан машгуллик даражаси назоратини болалик даврларидан бошлаб амалга ошира олсак, уни фойдали фаолиятга йуналтира олсак, биз, нафакат, девиантликнинг олдиш; олган буламиз, балки жамиятимиз тараккиётига юлкай хисса кушиши мумкин булган авлодни яратамю

аксинча булса улар девиант хулк-атворли шахе булиб | бири булиб колаверади.  
етишади ва жамиятимизнинг огрикди нукталаридан

#### АДАБИЁТЛАР

1. Каримов. И. А. Ватан саждагох каби мукаддасдир. Ж.З. -Т.: Узбекистан, 1996. - Б.366.
2. Каримов. И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008. - Б. 176.
3. Бергер П.Л. Приглашение в социологию: Гуманистическая перспектива.- М.: Аспект Пресс, 1996. -С.168.
5. Большой социологический словарь(СоИтз). Т. 2. (П-Я): Пер.с англ. -М.: Вече, АСТ, 1999. - С.528.
6. Убайдуллаева Р. Вояга етмаганлар асоциал хулк-атворининг ижтимоий жихатлари. // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари, 2005.-№ 3.
7. Тожибаев Б.Т Мустақиллик йилларида и/збекистонда социология фани тараккиётининг долзарб муаммолари. // Республика илмий-амалий конференция материаллари. Н-китоб. -Т., 2010. - Б.210,

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются факторы социального контроля, значения реформ в этой сфере, понятия девиантного поведения, социальный контроль в процессе социализации, особенности социального контроля девиантности.

Ключевые слова: социальный контроль, социализация, факторы социального контроля, девиантное поведение, механизмы социального контроля, интериоризация, институт социалного контроля, санкция, делеквент, суицид.

#### RESUME

The article considers social control factors, the importance of reformation in this field, the conception of deviant behavior, social control in the process of socialization, the features of deviational social control.

Key words: social control, socialization, social control factors, deviant behavior, cosial control mechanism, interiorization, social control institutes, sanction, delinquency, suicide.